
Ўзбекистон туманида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалда
Жорий йилнинг 21 октябрида Президентимиз раислигига “Яшил макон”
умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар натижадорлиги ва
келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон туманида ҳам белгиланган вазифалар, “Яшил макон” умуммиллий
ложиҳаси доирасида кўчат экиш, боғ ва яшил майдонлар ташкил этиш борасидаги
изчил ишларга кўтаринкилик билан киришилди.

Бугун “Шакаробод” маҳалласида туман сектор раҳбарлари, ташкилот ва
муассасалар вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ёшлар ҳамда
кенг жамоатчилик иштирокида ташкилланган тадбир эзгу лойиҳани жорий йилги
куз мавсумида ҳам барча масканларда кенг оммалаштиришга бағишланди.

2024-11-15 15:22:00